



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan e-mail: uzas@b2c.uz 2011-yil 14-oktyabr • №42 (4129)

МАЊНАВИЯТ МАСКАНИ

Темурийлар тарихи давлат музейи ташкил этилганига 15 йил бўлади

Сохибқирон Амир Темури таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан Президентимиз раҳнамолигида барпо этилган ва 1996 йилнинг 18 октябрида очилган Темурийлар тарихи давлат музейи кўска вақт ичида элимиз ва дунё назарига тушди. Мукаммал техник воситалар ҳамда нодир экспонатлар жамланган музейга ҳозиргача икки миллионга яқин томошабин ташриф буюрди. Шарқ услубида, миллий меъморлик анъаналари асосида қурилган музей биносининг салобати ва гўзаллиги пойтахтимиз кўркига кўрк бўлиб қўшилди.



Тарихий адолат тантана қилган лигининг яна бир амалий исботидир, — деб ёзганди Президентимиз Ислам Каримов музей меҳмонларининг "Таклиф ва мулоҳазалар" китобига. — Бу музейда

бизнинг ўтмишимиз ҳам, бугунги кунимиз ва буюк истиқболимиз ҳам бамисоли кўзгуда акс этгандек намоён бўлади. Кимки ўзбек номини, ўзбек миллати куч-қудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашарият ривожига қўшган ҳиссасини, шу асосда келажакка ишончини англамоқчи бўлса, Амир Темури сиймосини эслаши керак".

Музей "Ноёб илмий объектлар" рўйхатида киритилган бўлиб, унинг хазинасида Ўзбекистон тарихини акс эттирувчи уч мингдан ортиқ ашё сақланади. Булар Амир Темури ва темурийлар даври тарихига оид қўлёзмалар, ёзишмалар, қумуш ва мис тангалар, Амир Темури мақбарасидан олинган ашёлар, сопол ва мис буюмлар, меъморий қопламалар, XIX—XX асрларга оид китоблар, тангалар, этнографик буюмлар ва бошқа ашёлардир. Ҳозирги кунда музей экспозициясидан 1700 дан ортиқ экспонат жой олган.

Давоми бешинчи саҳифада.



18 октябр — Самарқанда шаҳри куну

Ўзувчилар уюшмаси бўланмаси билан

Асака тумани Қоратепа қишлоқ фуқаролар йиғини худудида жойлашган, бир ёғи Фарғона вилояти Қува тумани, иккинчи тарафи Шаҳрихон туманига чегарадош фермер хўжалигининг иш бошлаганига эндигина беш йил бўлди. Унга асли муҳажирлик бўлган айриқич Содиқжон Турдиев раҳбарлик қилади. У Тошкент халқ хўжалиги институти (ҳозирги Иқтисодий университет)ни тугатган. Айни ўша иқтисодчи экани фермер хўжалиғини бошқаришда қўл келмади.

буён қилган шижоатли меҳнатлари ўз самарасини бермай қолмади. Куз нафаси сезилар-сезилмас пахта лўппи-лўппи бўлиб очила бошлади, мўл ҳосил этиш-

АНДИЖОН ДАЛАЛАРИДА

тирилди, қараган кўз қувнайди. Биринчи теримдаёқ ҳар гектар ер ҳисобидан 35 центнердан ҳосил олинди ва режа 110 фоизга адо этилди. Бу катта муваффақият эди, аммо олдинда ҳосилдорликни 45 центнерга чиқариш вазифаси турарди. Агар шу мақсадга эришилса, даромади ҳам шунга яраша мўмай бўлади, бундан эса ҳамма манфаатдор.

Илгорлар ҳақида сўраганимизда, Содиқжон Турдиев, хўжалигимиз аъзоларининг бари илгор, дегандай жилмайиб қаради, кейин деди:

— Меҳанизаторлар Ўқтамжон Раҳматов, Адҳам Омонов, сувчилар Қодиржон Умрзоқов, Толибжон Содиқов, теримчилар Зари-

фа Отақўзиева, Маҳфуза Умрзоқовлар ростдан ҳам таҳсинга сазовор меҳнат қилишмоқда ва бошқаларга ўрнак бўлишмоқда.

Фермер хўжалиги раҳбари қандай касб эгаси бўлмасин, у албатта тadbиркор бўлиши шарт. Содиқжон Турдиев ана шундай тadbиркорлардан. Чорвага катта эътибор берилётган хўжалиқда ҳозир 42 бош қорамол, 50 та қўй, 50 уя асалари, 200 товук боқилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Шаҳрихон туманида деҳқонлар, қишлоқ хўжалик мутахассислари билан суҳбатлашганда Содиқжон Турдиев ҳам мазкур мулоқотда қатнашиш шарафига мўсасар бўлди. "Бугунги фермер замон билан ҳамнафас бўлиши, давр олдимизга қўйётган талабни теран англаши лозим, — деди Юртбошимиз суҳбатда. — Шу маънода фермерлар нафақат халқимиз фаровонлигини юксалтириш, балки мамлакатимиз иқтисодий барқарорлигини таъминлашда, ҳар бир худуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожига ҳам ҳал қилувчи кучга айланиши керак".

Давоми иккинчи саҳифада.

МИННАТДОРМИЗ

Шу йил 27 — 29 сентябр кунлари Тошкентда "Алишер Навоий ижодий ва маънавий меросининг оламшумул аҳамияти" мавзuida бўлиб ўтган халқаро илмий-назарий анжуманда иштирок этиб, унинг юксак савияда ташкиллаштирилганидан беҳад мамнун бўлдик.

Анжумандан сўнг қадимий ва ҳаминша навқирон Самарқанд шаҳрига сафаримиз бизга олам-олам завқ бағишлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов раҳбарлигида мамлакатимизда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари ҳамда улду алломаларга юксак эҳтирому эъзозни кўриб, кўнглимиз ҳавас ва ҳаяжонга тўлди.

Тошкентда Ўзбекистон Миллий университети ўқитувчилари ва талабалари билан учрашув, ўзбек тўйида қатнашганимиз бизда катта таассурот уйғотди. Тошкентнинг кўпгина гўзал гўшаларини кўрдик. Айниқса "Шаҳидлар хибони" қабимизда унутилмас хотира бўлиб қолади.

Этти кун мобайнида беш учун яратилган гўзал шароитдан бағоят хурсандим.

Ушбу тadbирларнинг юксак савияда ташкил қилинишида иштирок этган Ўзбекистон Ўзувчилар уюшмаси ва "Ижод" фонди жамоасига ҳамда барча мутасадди ташкилотлар вакилларига чуқур миннатдорлигимизни билдираимиз.

Ишонамизки, илм-фан ва адабиёт равнақига хизмат қиладиган бундай нуфузли анжуманлар бундан кейин ҳам давом этажак ва ўзаро маданий-адабий алоқаларимиз янада ривожланишига муносиб ҳисса бўлиб қўшилажак.

Теран ҳурмат ила:

Нусуба АРАСЛИЙ,
филология фанлари доктори, профессор,
Олмос УЛВИЙ,
филология фанлари доктори

Истиқлол яратган имкониятлар тўғрисида жўшқин халқлар билан маданий-адабий алоқаларимиз янги юқори босқичга кўтарилаёттир. Ўзбек адабиёти намуналари Фарб ва Шарқ мамлакатлари халқлари тилларида таржима қилиниб чоғ этилаётган бўлса, жўшқин адабиёти дурдоналари она тилимизда изчил нашр этилиб турибди.

Албатта, адабий алоқалар фақат таржима жароғи билан чегараланмайди. Ўзбек халқининг бой адабий меросини ўрганиш ва тарғиб-ташвиқ этиш, айни пайтда,

жўшқин халқлари адабиёти-нинг йирик бадий намуналаридан халқимизни баҳраманд этиш ҳам кенг миқёсдаги илмий-ижодий жароғининг бир ҳалқасидир. Чунки, кейинги йилларда муштов адабиётимиз ва ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналарига хорижлик олим ва тadbирдорларнинг эътибори ортиб бормоқда. Жанубий Корея Республикасининг Сеул шаҳридаги Доңдоқ хотин-қизлар университети профессори ЫнКёнГ О ана шундай тadbирдорларнинг сирасидан. У айни пайтда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети корейс тили ва адабиёти кафедраси профессори сифатида талабаларга дарс бериш билан бирга, ўзбек ва корейс халқлари қаҳрамонлик эпослари — "Алпомиш" ва "ЖумўнГ" достонларини қиёсий ўраниб, тadbирдор олим ЫнКёнГ О билан суҳбатимиз ҳар икки халқ оғзаки ижоди дурдоналаридан муштарак жиҳатлар ҳақида.



ЫНКЁНГ О

"АЛПОМИШ" ВА "ЖУМЎНГ"

Ўзбек ва корейс халқлари достонларида муштарак жиҳатлар

— Ўзбекистонга келиб иш бошлаганимизга ҳали бир йил бўлмади. Бироқ ўзбек тилида жуда яхши гапирасиз. Тилимизни ўрганишингиз қийин бўлмади-ми?

— Албатта, қийналдим. Чунки ўзбек тилининг талаффузи умуман бошқача экан, корейс тилида учрамайдиган товушлар бор. Масалан, «к», «ф» каби товушлар корейс тилида йўқ. Мен шу товушларни талаффуз қилишга қийналдим. Қолаверса, кирилл алифбоси мен учун бегона бир ёзув. Ўзбекистонга келишимдан олдин кирилл алифбоси билан умуман шуғулланмаганман. Мен турколог бўлганим учун туркча илмий асарларимизга тўғри келди. Бу эса ўзбекча илмий асарларимизга ёрдам берди. Турк ва ўзбек тиллари грамматикасида ўхшаш жиҳатлар жуда кўп.

— «ЖумўнГ» достонининг корейс халқи бадий тафаккуридаги, адабиёти тарихидаги ўрни ва аҳамияти ҳақида гапириб берсангиз.

— «ЖумўнГ» достони корейс халқ оғзаки бадий ижодиётининг юксак намуналаридан бири ҳисобланади. Бу достон яратилган даврига кўра қадимий. Шу сабабли унда архаик эпик қатлам яққол кўзга ташланиб туради. ЖумўнГ (ДўнГ МёнГ Ван) корейс миллатининг кўна тарихида энг йирик ҳисобланган Гўгирё империясининг бунёдкори бўлгани тўғрисидаги дунё олимларининг диққат-эътиборини ўзига тортиб келаёттир.

Корейс халқ оғзаки бадий ижодиёти поэтик анъаналари Корея тарихининг ўтмишидаги «Уч давлат даври»га, яъни IV — VII асрларга қадар жонли ижро йўли билан оғиздан-оғизга ўтиб, сақланиб қолган. Кейинчалик эса, Гўрё давлати (918 — 1392-йиллар) даврида халқ оғзаки ижодининг йирик асарлари, жумладан, ЖумўнГ ҳақидаги достон ҳам хитой алифбоси асосида ёзиб олинган. Мазкур асарнинг ўша даврда ёзиб олинган вариантларидан айримлари, достоннинг ёзувга олинган баъзи қисмлари йўқолиб кетганлиги ёки оғзаки ижрода мавжуд бўлган муайян сюжетлар ёзиб олинмаганлиги тўғрисида, асар ҳажми жиҳатдан анча қисқарган ҳолда бизгача етиб келган.

Давоми учинчи саҳифада.

Истиқлол шарофати билан юртимизда "Хумо", "Тошкент баҳори", "Театр: Шарқ ва Фарб" каби халқаро театр фестиваллари ўтказилиб, бу тadbирлар халқаро маданий алоқаларимизни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиш билан бирга, ўзбек театрини жаҳонга танитишда муҳим аҳамият касб этаёттир.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Ўзбектеатр" бирлашмаси, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Ўзбекистон Ёшлар театри ҳамкорлигида шу йилнинг 17-26 октябр кунлари ўтказилган "Teatre.uz"

ТЕАТР ФЕСТИВАЛИ

2011" халқаро театр фестивали ҳам ана шундай анжуманларнинг биридир.

Иккинчи бор ўтказилаётган мазкур фестивал 17 октябр куну Ёшлар театри билан Берлин театри жамоаси спектакли билан очилади.

Фестивал доирасида Германия, Буюк Британия, Украина, Молдова, Исроил, Грузия, Озарбойжон, Тожикистон театр жамоалари билан бирга Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театри, Ўзбек миллий академик театри, Ёшлар театри, Оперетта театри, Қорақалпоқ ёш томошабинлар театри, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоят мусиқали драма театрлари ҳамда "Дийдор" ва "Эски мачит" театр-студиялари қатнашишлари ҳам режалаштирилган.

Шунингдек, тadbир доирасида "Марказий Осиёнинг жаҳон театр жароғи"да туган ўрни ва роли. Ўзбекистон театр санъатининг 20 йиллик эркин ривожланиш босқичлари" мавзuida халқаро форум ҳамда ёш ижодкорлар учун маҳорат дарслари ташкил этилади.

ХАЛҚАРО ТОШКЕНТ КИНО АНЖУМАНИ

19-25 октябр кунлари пойтахтимизда "Олтин гепард" биринчи халқаро Тошкент кинофоруми бўлиб ўтади.



"Оскар", "Кан", "Венеция"... Бундай нуфузли анжуманларга мезбонлик қилишни ҳар бир мамлакат орзу қилади. Яқин кунлар ичида бошланадиган "Олтин гепард" биринчи халқаро Тошкент кинофоруми юртимиз санъат илосмандларига чинакам совға бўлиши аниқ. "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда "Ўзбеккино" миллий агентлиги ҳамкорлигида ўтказиладиган ушбу кинофестивал истиқлол йилларида кино соҳасида юз берган катта воқеалардан бирига айланишига шубҳа йўқ. "Style.uz" санъат ҳафталиги доирасида ўтиши режалаштирилган мазкур анжуман одатдаги кино фестиваллардан фарқ қилади. Лойиҳа мавзуси "XXI аср тамаддулари: маданиятлар мулоқоти", деб номланган. Бу эса тadbирнинг катта ижтимоий ва маънавий аҳамиятга эга бўлишидан далолатдир. Мамлакатимизда бундай юксак даражадаги кинофорум илк бора ташкил этилмоқда. Бироқ шунга қарамай, дунёнинг беш қитъасидан эллика яқин мамлакатлар ушбу форумда иштирок этиш истагини билдиришди. Эътиборли жиҳати, улар орасида АКШ, Россия, Германия каби кино санъати гигантлари, жаҳон экран санъатида эндигина кириб келатган Тайван, Озарбойжон, Беларусъ

каби мамлакатлар ҳам бор.

Халқаро кинофорум ўтказиш гоёси бугун ёки кеча пайдо бўлгани йўқ. Тadbирга тайёргарлик кўриш ишлари бир йил аввал бошланган эди. Лойиҳага жўнатилган уч юзга яқин филмлар Акбар Ҳакимов, Нозим Тўлаҳўжаев, Аюб Шаҳобиддинов, Илмира Ҳасанова каби таниқли ижодкор ва мутахассислардан иборат гуруҳ томонидан саралаб олинди. Табиийки, бу жароён маълум ижодий талаблар асосида амалга оширилди. Мисол учун ёшлар онгидеа бузғунчи гоьларнинг илдиз отишига сабаб бўлувчи жангари руддаги филмлар бу

форумда намойиш этилмади. Асосий эътибор, бадий савияси юксак, актёрлик ижроси ва режиссёрлик маҳорати мукаммал мулфлик филмларига қаратилди.

Танлов уч йўналишда — тўлиқ метражли, қисқа метражли ҳамда анимацион филмлар орасида бўлиб ўтади. Мукофотлар "Энг яхши тўлиқ метражли филм учун", "Энг яхши қисқа метражли филм учун", "Энг яхши анимацион филм учун", "Энг яхши режиссура", "Энг яхши эркак роли", "Энг яхши аёл роли" каби номинацияларда топширилади. Ўзбек кинематографларининг олти картинаси — "Илова", "Қўроғош" (тўла метражли), "Назар", "Анор", "Зиддият ёхуд тақдир эшиги" (қисқа метражли), "Ок товук" (анимацион) филмлари иштирок этади. Кўриқдан ўрин олган барча филмлар "Ёшлар ижод маркази"да намойиш қилинади. Конкурсадан ташқари намойишлар Алишер Навоий номидаги кино саройи, Санъат институти ҳамда "Primer-Hall" кино-театрида бўлиб ўтади.

Давоми иккинчи саҳифада.

ОБУНА — 2012

Азиз газетхон!

Севимли газетангиз — «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»га 2012 йил учун обуна бошланди. Обуна туманларнинг матбуот тарқатиш бўлимлари, «Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик тарқатувчилар томонидан расмийлаштирилади. Тошкент шаҳридаги матбуот тарқатиш дўконлари орқали ҳам газетамизга обуна бўлишингиз мумкин. Ҳурматли муштарий, агар сиз «ЎзАС»га вақтида обуна бўлсангиз ижодий мулоқотимиз йил бўйи давом этаверади. Нашр кўрсаткичимиз — 222.

Кўчқор НОРҚОБИЛ

КУЗ, ХАЙРАТДА ЁНДИ ТАСАВВУР...

ТАШРИФ

Ха. Сен шундай — доим ботартиб, Хар ишиг тахт — юракнинг изми! Деразаю ромларни артиб Қарши олдинг чорбоғда кузни.

Зиёфат зўр! Тузадинг стол, хил-хил овқат, турфа хил газак. "...Мана авор! Ма, узумдан ол, Нима қилсам кетмайсан, кузак?..."

Эғнидаги шувлани отди — Боғ чайқалди бола узатиб... хар япроқда бир куй уйғотди — Шамолни ҳам кўйдинг кузатиб.

Сўнг эзиддинг... Йиғладинг сассиз... Чорбоғ ичра тўқилди хотир. Куй, ўқинма! Қолайсан ёниг — У кетган йўқ, олма хавотир...

МУСАВВИР КУЗ

Оқшом чоғи... Шафакраг олам — юрагини зиялиги куз — Терваклардан ясаб мўйқалам Сувага суврат чизайти куз.

Бу не ижод? Айт, бу осомни? Куз, хайратда қотди тасаввур — сув ичизда ёнган осомни Чиза олур қайси мусаввир?!

2

Тоғ уйғонди. Боғларда сеҳр. Бехилларнинг барги шуларанг. Хазонрезлик — куз бошлар муҳр, Эҳ, уларнинг гарди тиллоранг.

Боғда шароб ҳили уфурар, Войишда ток турар майишиб... Шамол менга ўзини урар — эрталабдан олган май ичиб.

Минг бир рангда товланар ҳаёт, Куз, очғандай бўлдинг кўзимни. Рангларингда гоҳида фарёд, Мен орғиқча сездим ўзимни.

Кай япроқни қўлимга олсам, Аён бўлур мен айтмаган Сўз... Сувратингда майлими қолсам, Сенга халал бермайманми, куз?

УМР

Вақтим йўқ. Вақтим зик — ҳаётимни тергар режалар... Йўқ! Лаҳзага тортмайман чизик — лаҳзада ҳам умрим тежалар.

О, фасллар оралиғида умр ўтди. Илгамиди кўз...

СОБИРА БЎЛДИЕВА

ДУОГЎЙИМ, МАНГУ ДОНИШИМ

«Кўҳна ва боқий Бухоро» монументи қошида

Даврлар жўш этди поғонасида, Давронинг қайтмоқда, она Бухоро! Кўҳна дунёларнинг сеҳридан голиб Ҳолатлар кезинар туйғулар аро. Ошпоқ қасрларнинг ич-ичидан тоғ Шону шухратинга бермоқда оро. Мозий қадар кўҳна боқийсан, онам! Юзлашар асрлар сенда, Бухоро! Этагинга нурдан кўз ёш тўқилган, Дуогўйим, мангу донишим, Ватан! Ошпоқ яқтагин ҳам нурдан бичилган, Давлатлар буюк хонишим, Ватан! Муқаддас тупроғинг тўғиб айлаб, Фарзандларинг сенга қўймоқда ҳайкал, Кўҳна ҳамда боқий Бухоро бутун Истиқлол туфайли тоғмоқда сайқал.



БУТА

Анҳор ёқасида бир кичик бута, Сақин шаббодда яйраб тебранар. Кўш уфқларга нур сочган маҳал Танасида жонбахш ҳислар уйғонар. Қоронғуда бута митти ва майин Япроғин новдалар ичра яширар. Аста-секин олам тонга етганда Бўлиқ куртаклари гулга айланар. Анҳор ёқасида гуллаган бута Мисоли илдири жонбахш онамиз. Танасида гуллаб капалак мисол, Тупроғида уруғ бўлиб унганмиз. Анҳор ёқасида йўқ энди бута, Қайғум гуллаётир кўҳна соҳилда. Баргларидан нафас олганда туйғум, Айланарди рангин камонга кўнглим. Мен хилватта йиғлаб келар бўлсам жим, Новдаларда яшил япроқ бўл, синглим. Бута бўл, хайратин яширган онам Сиймосини сенда кўрсин бу кўнглим.

Анҳор ёқасида буй чўзди бута, Сингилгинам бўлиб гуллади бирам. Онам хузурига келгандай уни Кучаман, меҳримдан яшнагай олам.

ҚАДИМ ТУТ ДАРАХТИ

Қадим тут дарахтда бўртган жароҳат, Қайсидир авлиё қисмати — тарих. Юртни ёвлар босиб келганда тутлар Мадал бўлганини сўзлар муаррих. Қадим тут дарахтда бўртган гурралар, Новдалар ўрни у, йўқ танда боши. Кўҳна пўстлоқлари бағридан оққан Ватан қиёфаси, Ватан кўз ёши. Илохий илҳомни ҳо этган тупроқ, Тутнинг танасида новдалар ўси. Этагида бола йўрғаклаган халқ, Жумард майдонда фикрати билан Фарзандинг ганимлар йўлини тўси. Қадим тут дарахти афсона эмас,

Танасида яшар минг йиллар доғи, Кўксига урилган ханжар изи бор, Қалбида яшайди аждоқлар ёди. Биёбонлар руҳин кўриқчиси у, Дили хавотир-ла уйғоқ бир она! Ёвлардан асраш-чун бағрини ёриб, Ботир ўғлонларни яширган пана. Она-замин фарзанди, етуқ сирдоши, Азал водийсида юпанч дарахти. Шамол эсангида, ёмғир ётганда Ноёб хузурларга берилиш бахти. Дарвеш қадамининг кутлуғ маскани, Даштнинг қушларига бир орзу макон. Чўпон сурувлари йўл олар мулом Кенглик бағридаги қадим тут томон. У ватандек содда, ватандек паноҳ, Жароҳатлар ундан куч олар ҳамон.

КЕЛ, МУҲАББАТ

Безовтаман, муҳаббат қадим Тут дарахтининг шоҳида қолди. Деразадан ой мўралаган,

жойлаб, иккимиз ҳам эшакка мингашиб олдик. Жар тепасига етиб келганимиздан сўнг Фанишер пешонасига шаппатлади.

— Каллам курсин, қозик олишни унутибмиз-ку?! Ҳақиқатан ҳам арқон олишга олиб, энг керакли нарсалардан бири — қозикни унутган эдик. Иккимизнинг ҳам ҳафсаламиз пир бўлди. Ахир, бақув-ватроқ қозик бўлмаса, арқоннинг ўзи билан нима ҳам қила олардик? Фанишер пича ўйлаиб тургач, «мен ҳозир келаман» деганча жар усти бўйлаб югуриб кетди. Эшакнинг бошини бўш қўйиб, пастга қарадим. Жарнинг тубигача бўлган масофа эллик-олтмиш қулочча келарди. Агар менга биров бутун бошли ўнта қирғий полапонини ваъда қилиб, шу ердан арқонга осилиб туш, деса бажарисин гумон эди. Ичимда Фанишернинг довораклигига тан бердим.

Фанишер куёш уфққа томон оға бошлаганда қайтиб келди. — Тезроқ арқонни боғламасак бўлмайди! — деб қўлидаги қозиксимон узунчоқ темирга ишора қилди, — қоқишиб юбор! Мен қулиб юбордим. — Нима билан қокасан бунингни! — дедим. Ўртоғим эсанкираганча озроқ ўйлаиб турди, ке-

Илҳом ШЕРАЛИЕВ

ҚИРҒИЙ ҚАНОТЛАРИ

йин бирдан чехраси очилди. — Сен айланма йўлдан пастга тушиб бор, — деди у менга юзланиб, — жарнинг пастига темир-терсак тиқилиб ётибди! Калапамни ўчиб кетди. — Уйлаб гапиралсанми?! Шунча йўлга ким бориб келади, агар ўша қирғийнинг боласи жуда-зарур бўлса, ўзинг бориб кел, менга кераги йўқ! — Нега бунча ўзингни олиб қокасан?! — ўртоғимнинг қовоғи йўлиди. — Пастга тушиб борсанг, бўлгани. Темирни ип биш-ла тортиб оламан! Қайтиб чиқмасанг ҳам бўлади!

Хикоя

Очиғи, унинг гаплари менга ёқиб тушди. Бунга сабаб — биринчи бўлса, бу ерга қайтиб чиқишимни ҳожати йўқлиги бўлса, иккинчидан, жар пастига туриб, арқондан осилиб тушаётган жўрамнинг ҳаракатларини бемалол томоша қилишим мумкинлиги. Унинг гапига рози бўлиб, айланма йўлдан тахминан чорак соатлардан жар тағига етиб бордим. Фанишер рост гапирган экан, бу ердан катта-кичик темир-терсак бўлақларини топиш унчалик қийин эмасди. Қидириб каттақон темир парчасини топдим. Сўнгра жар тепасига қараб бақирдим.

— Ташла-а, арқо-онни-и!!! Овозим жар бағри бўйлаб ёйилиб кетди. Уясида тинчгина турган хар хил қушлар қовакларидан ташқарига чиқиб безовта чугурлаб кетишди. Тепадан сариқ тусди, илонни эслатадиган йўғон арқон кўринди. Темир бўлгани аввал сий билан қаттиқ чирмағач, осилиб турган арқонга йлдиридим. «Тортиб о-ол!» дея овоз берганимдан сўнг, арқон тепага кўтарила бошлади. Сал ўтмай тепадан товуш эшитилди. Бу товуш ҳам менинг овозим каби аксадо берди. Бутун жар бағрини қозикча урилаётган темир товуши тўтиб кетди.

— Тушсанг, туш-да энди! — қичқирдим. Юқоридан Фанишернинг тетик овози келди. — Ҳози-ир-е! — у ўзига ишонибгина қолмай, шу дамда ҳам мени жерқийтганди. Бундан, албатта, ҳурман бўлдим. Кўнглимдаги безовталиқ барҳам топди. Тепадан пастга тушиб келаётган аргамчи — ип кўринди. Унинг учи ерга етиб келгач, тепадан Фанишернинг овози келди.

— Яхшилаб торт! Қўйиб юборма-а! Айтганидек қилдим. Арқонни таранг тортиб, маҳкам ушлаб турдим. Фанишер анча халладди. «Туша олмайдми!» ўйладим ичимда. «Бу ердан тушиш учун отнинг калласидай юрак керак!»

Бирок мен адашган эканман. Жар тепасида ўртоғимнинг оғи кўринди, кейин... бутун танами! Мен эса лол бўлиб, унинг хар бир ҳаракатини юрагимни ҳовчулаганча кузатардим. У худди тахрибали алпинистлардек арқонни маҳкам ушлаганча, оёқларини қушлар уя қилган қовакларга бирин-кетин тиқиб, пастга туша бошлади. Фанишер беш қулоч қуйига тушмасдан, битта оёғининг тағидан муштдек кесак ўйлиб кетди. Қўрқиб кетганимдан қичқириб юбордим.

— Эҳтиёт бў-ўл! Ҳе-ей!!! Унинг жавоби бу сафар мени кўп куттирмади.

— Жим бўлсанг-чи! — деди ўртоғим қалтироқ овозда. Бир пастда уя қаршисига тушиб келди. Лекин арқон ва ин жойлашган қовак оралиғи паст томондан бор-йўғи икки қаричча кўринса-да, аслида, анча узок экан. Фанишер уяга қўл чўзди, етмади. Кейин менга қўли билан нималариндир ишора қилди. Тушунмасдан қараб туравердим. У ҳеч иложи бўлмагач, овозини баралла қўйиб бақирди.

— Арқонни ўнг томонга торт!!! Фанишернинг овози жар қўйида милтик отилгани каби «гумбураб!» кетди. Қушлар «чугур-чугур» ни авжига кўтарди. Арқонни секингина ўнг томонга тортдим. Тепадаги «алпинист» ҳам арқон билан бир-



га силжиди. Мўлжалланган жойига етганидан сўнг, у қўлини кўтариб «тўхта» ишорасини қилди. Арқон қирғий уянинг устида тўхтаган эди. Фанишер оёқларини қулайроқ жойга тиркаб, чўнтағидан нимадир чиқарди. Яхшилаб қараб билдимки, бу ойна экан. У ойнани тиккага келган қуёш нурига тўғрилаб, аксини ин ичига йўналтирди. Сўнг қовакка қўлини суқди. Қушларнинг сурони кучайди. Фанишер уя ичидан нимадир олиб чиқди ва дарров пастга иргитди. Бу қайсидир қушнинг суяк ва патлари экан. Шундагина мен қандай йирткич билан ўчаклашганимизни ҳис қилдим. Тепага қараканман, ўртоғимнинг қўлидаги муштдек келадиған малларанг нарсаса кўзим тушди. Унинг нималигини билмиш учун яхшироқ тикидим. Ишонасизми?! Фанишернинг қўлидаги қирғийнинг боласи эди! Ўртоғим бир муддат полапонга тикилиб турди. Кейин эса тўсатдан нимадир эсига тушиб қолган каби шошиб-пишиб пастга туша бошлади. Бирок энди унинг иши анча мушкуллашганди. Аввал бошида полапонсиз

икки қўли билан арқонни ушлаб осонгина пастга бўлса, энди бир қўли билан ҳаракат қилишига тўғри келарди. Фанишер беш-олти қулоч пастроқ тушар-тушмас, биз содир бўлишдан қўрқиб турган ҳодиса рўй берди. Баралла сайраётган қушларнинг овози бирдан ўчиб, ҳаммаси уя-уясига кириб кетди. Уларнинг юракларини «така-пука» қилганча бир қуш жар бўйлаб парвоз қилди. Уни қаердадир кўргандай эдим. Ёдимга тушганидан кейин, даҳшатдан қотиб қолдим. «Она қирғий!!!» У Фанишернинг қўлидаги боласини кўриб, даҳшатли овоз чикарди. Йўқ, бу овозни бировни кўрқитиш учун қилинган дағдаға, деб бўлмасди. Унинг товушидан кўпроқ аянчли фарёдни аглаш мумкин эди. Она қуш қанотини икки-уч қоқиб, Фанишердан пича узоқлашти. Қўрқувли сайрашни ашштганим учун уни кетаяпти, деб ўйладим. Лекин бу йирткич мен ўйлаганчалик қўрқоқ эмас экан. У тезлик билан ўртоғим томонга учди. Шу ҳолда Фанишер бориб урилса, жўрамнинг турган жойидан қулаб кетиши аниқ эди. Бақириб юборардим-у... овозим бўзгимга тиқилиб қолганди. Шу ерда дўстимнинг калласи ишлаб кетди. Ва бу унинг жонини сақлаб қолди. Она қирғий ўзига яқинлашган заҳоти менга қараб «Ушла-а!» деб бақирди-да, полапонни пастга иргитди. У томонга шитоб билан келаётган қирғий йўналишини ўзгартирди. Типирчилаб пастга тушиб бораётган боласининг ортидан шўнғиди. Полапонни илтиб олиш учун чопмоқчийдим, орқасидан келаётган онасини кўриб, фикримдан қайтдим. Ундан кейин жўрам осилиб турган арқоннинг пастки учини қўйиб юбориш ҳам мумкин эмасди. Она қирғий пастга томон ўқдай ўчиб, боласи ерга тегай-тегай, деганда панжалари билан илтиб кетди. Фанишер пайдан фойдаланиб, шоша-пиша пастга туша бошлади. У энди аввалгидек оёқларини қуш уяларига тиқиб ўтирмаддан, балки арқонни бўш қўйганча пастгаётганди. Она қирғий боласини панжалари билан маҳкам сиққанча тепага қўтарилади. Бирок ўткир панжалари боласига ботиб кетди шекилли, полапон типирчилай бошлади. Она қирғий жардан анча юқорига кўтарилаганидан сўнг, полапонини ерга қўймоқчи бўлди, жар лабига яқинлашди. Шунда кутилмаган хол рўй берди. Боласи панжасидан қиқиб кетиб пастга қулай бошлади. Она қирғий зудлик билан уни тути олишга интилди. Полапон ерга тушишига ўн қулочча қолган, Фанишернинг ён томонидан чирпирак бўлиб келарди. Ўртоғимнинг ҳаракатлари тезлашди. Она қуш бу сафар боласига етишга етдию, бирок яхшироқ тутиб қола олмади. Полапон шитоб билан ерга келиб урилди. Она қуш даҳшатли тарзда, этни жунжиктирадиган даражада чинқириб юборди. Аянчли... чинқирди... У мендан заррача қўрқмай (балки мени кўрмагандир ҳам) ерпарчин бўлиб ётган жигаргўшаси ёнига кўчди. Ерда чўзилиб ётган боласини кўриб яна «чинқирди». Унинг бу товуши аввалгиларидан ҳам кўрkinчи, аянчли ва... юракни ўртаб юборадиган оҳангда эди. Рухимда пайдо бўлган номаълум ҳаяжон ва маъхум туйғуни аглаёлмай гаранг эдим. Кўпгина қушлару хайвонларни, ҳатто одамларни ҳам ваҳимага солиб қўядиган бу йирткич қуш шу лаҳзада кўзимга жуда ночор, жуда ожиз кўринди. Она қирғий тўсатдан юқорига кўтарилди. Менинг хаёлимга келган биринчи хавотирли ўй — Фанишер эди. Бирок қирғий беш қулоч юқорига арқонни маҳкам ушлаганча қотиб турган ўртоғимга бурилиш ҳам қарамади. У шу кетганча тепага кўтарилаверди, кўтарилаверди. Охири кўзга кўринмай кетди. «Наҳот, уни энди ҳеч кўрмасам», ўйладим мен. Тўғри, бу қушни энди кўраманми-йўқми, ахамияти йўқ. Лекин... лекин у менга ўзим ҳам сезмаган ҳолда бирок... йўқ, жуда қадрдон бўлиб қолди.

Котиб қолганча осмонга қараб турар эканман уни яна кўрдим! Уша ҳолатда. У осмоннинг кўз илгамас нуктасидан пастга томон камон ўқидек шиддат билан учиб келарди. Энди хаёлимга Фанишернинг хавотирини ҳам келмади. «У нима қилмоқчи?!» деб ўйлардим фақат. Она қирғий ерга яқинлашунга қадар тезлашса тезлашдики, заррача тўхтамоққа ҳаракат қилмади. Мана, у жардан ҳам пастроққа ўтди. Бутун вужудим кўзга айланди. Қирғий Фанишернинг устига эмас, шундоқ ёнимдаги япалоқ тошини устига зарб билан келиб урилди. У шубҳасиз ўлган эди! Қўлимдаги арқонни қўйиб юбордим. Она қирғий тошга шунчалик қаттиқ урилган эдики, қанотлари синиб, икки ёнга қайрилиб кетганди. Қўзларимга ёш қўйилди. Биласизми, бу қанотлар сувратида нимани кўрдим? Айтиш қийин-да...

Бу қанотларда гўдаклик чоғларим субҳидамнинг енгил совуғидан паноҳ тилаб талпинганим... меҳрли кучоқни кўрдим! Бу қанотларда кичкина оёқчаларим чарчаб қолмаслиги учун мени доим устига кўтариб оладиган елкаларини кўрдим! Қўксимда нимадир оғриди. Бўзгимга ҳам тикилди ўша орғик... Бутун шуурим музлаганча қирғийга тикилиб турган чоғимда ёнимга Фанишер келди. Сўнг мутлақо бепарволик билан шоша-пиша гапирга кетди: — Ҳечқиси йўқ, бу сафар овимиз бароридан келмади. Аммо мен қирғийни тутмаганимча қўймайман. Бу сафар қийин бўлмайди. Ахир, энди тахрибамиз бор!

